

**Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг хусусий секторга бериладиган функциялари РЎЙХАТИ**

Т/р	Функция	Ваколатли орган	Амалга ошириш муддати
1.	Эркин иқтисодий зона маъмурий кенгашига тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикасида ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқариш ҳажмлари етишмаслиги ва рақобат муҳити даражаси тўғрисидаги хулосаларни бериш.	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси	2023 йил 1 август
2.	Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳуқуқбузарга ихтиёрий тартибда ҳуқуқбузарликни бартараф этишни назарда тутувчи огоҳлантириш бериш.		2023 йил 1 август
3.	Хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқени суиистеъмол қилиши, “картель” келишувлари ва тил бириктириш ҳолатлари ҳамда инсофсиз рақобатни аниқлаш мақсадида товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш.		2023 йил 1 август
4.	Рақобат ривожланиши индексини юритиш.		2023 йил 1 сентябрь
5.	Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини қабул қилиш бўйича маълумот-ахборот хизмати (Call-центр).		2023 йил 1 ноябрь